



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
14 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 93
(12.000)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистонга ишлаб чиқарилган



ХОРИЖДА ҲАМ МАШҲУР

Тошкент тумани Қизғалдоқ қишлоғидаги «Миллий фарфор» масъулияти чекланган жамияти тайёрлаган бири-бирдан бежирим чинни буюмларнинг донғи бугунги кунда нафақат юртимизда, балки, қатор хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур.

Жамият Россиядан келтирилган ярим тайёр маҳсулотларга чиройли гул нусхаларини тушириб, тайёр буюмга айлантиради. Айни кунда бу ерда 30 нафар ходим ишлайди. Улар ойига 40 минг донга атрофида 30 турдаги сифатли чинни буюмлар тайёрлашмоқда.

113 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Сифатли буюмларимизга ҳозир МДХ мамлакатлари, Исроил, АКШ каби хорижий давлатларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА:

бош расмном Маҳфуза Маҳаммаджонова расмном Дурдона Файзиёвага касб сирларини ўргатмоқда; тайёр маҳсулот намуналари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида жорий йилнинг 14 ноябрдан 27 ноябрга қадар Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиш имконини кўлга киритган ўзбекистонлик саккиз нафар тadbиркор аёл билан учрашув бўлиб ўтди.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Унда халқаро конференцияда иштирок этувчи тadbиркор аёллар, ҳамкор ташкилот вакиллари, ҳамийлар ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бу йилги конференцияда ҳам тadbиркор аёлларимиз тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гиламчилик, туқувчилик, нан ва нон маҳсулотлари, табиий мочалкадан тайёрланган маҳсулотлар, миллий ҳунармандчилик, заргарлик маҳсулотлари билан иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур учрашувда сўзга чиққанлар ўтказилган ушбу халқаро анжуман мамлакатимизнинг тadbиркор аёлларига хорижийлик ҳамкорлари билан алоқаларини янада кучайтиришда хизмат қилшини тaъкидлаб ўтти.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс».

Обуна – 2008 ФАОЛЛАРДАН ЎРНАК ОЛИШЯПТИ

Ҳар биримиз кундалик турмушимизда маънавий озукага эҳтиёж сезиб, газета-журнал варақлаймиз ёки радио, телевизор мурватини бураймиз. Турли манбалардан керакли маълумотлар оламиз.

Маълумки, жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳамда қатор муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар самарасини халқ оmmasига етказишда босма ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабаб, 2008 йил учун даврий матбуот нашрларига обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида туманимизда изчил сайё-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Айни кунларда вилоят ижтимоий-сиёсий нашрлари «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига туманимиздаги агроколлек, халқ таълими, халқ банки бўлиmlари ҳамда санитария-эпидемиология маркази ўрнатилган.

Абдулхай ТОШТЕМИРОВ, «Тошкент почтаси» акционерлик жамиятининг Бўжа тумани филиали бошлиғи.

2008 йил учун
обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг анжаска – 205.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куну

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси 12 ноябрь куну навбатдаги йиғилишини ўтказди. Уни комиссия раиси Суяр Қурбонқулов бошқарди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш масаласи

кўриб чиқилди. Йиғилиш участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган таркибларини муҳокама қилиб, тасдиқлади.

Участка сайлов комиссияларининг таркиби матбуотда эълон қилинади.



Дил изҳори ЗАМИНДОР УЧУН АЙНИ МУДДАО

Юртимизда мустақил ер эгалари энди-энди пайдо бўлаётган дастлабки йиллардаёқ фермер бўлишни орзу қилганман. Қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг турли усул ва шаклларида меҳнат қилиб келганимиз учун ерга, мулкка эгалик деҳқон учун қандай юксак имкониятлар яратажани, бутун дунёда юқори самарадорлигини кўрсатиб келаётган фермерлик ҳаракатининг нечоғли истикболли эканлигини англаб етгандим.

Паст рентабелли, сурункасига зарар кўриб ишлатган ширкат хўжалиқларининг батамом тугатилиб, улар неғизда фермер хўжалиқлари ташкил этилиши муносабати билан ниҳоят, 2004 йилда кўп йиллик орзуларим ушалиб, мустақил заминдорга айландим. Ҳозир 67 гектар ерим бор. Унда галла ва пахта етиштиряпман.

Очиги, бу ерлар тендерга қўйилганда тузукроқ талабгор чиқмаган. Боси аён, кир шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди, боз устига суғориш муаммоси ҳам бор эди. Тўғрироғи, экинга насос орқали сув чиқарилар, бу тармоқлар ҳам бир маромда ишламай, деҳқонни анча сарсон қиларди.

Кези келганда деҳқон тавakkалчи бўлгани ҳам дуруст. Қарорим қатъий эди ва ҳар томонлама мулоҳаза юритиб, шу ерни қаромоғимга олдим. Бу ёғига ҳукуматимиз ер эгаларини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиғига, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонардим. Меҳнатдан қочмасак, танбаллик қилмасак, омиликорлик билан иш тутсак, юзимиз ёруғ бўлиши шубҳасиз эди.

Икки йилдирки, галла ва пахта буйича тузилган контрактация шартномаларини ортқий билан адо этаёпман. Мисол учун пахта ҳосилдорлигини шу икки йил ичмида 10 центнерга оширишга муваффақ бўлдим.



Табиийки, шунга яраша даромад кўра бошладик. Аъзоларимизда эртанги кунга ишонч ортиб, астойдил меҳнат қилишяпти. Бу гапларни эслашдан мурод шуки, давлатимиз, хусусан, Юртбошимиз ҳамisha деҳқон меҳнатини қадрлаб, унга имкон қадар қулайликлар яратишга бош масала сифатида қараб келмоқдалар. Ҳар йили, ҳар мавсум қандайдир бир янгилик, имтиёзни эшитиб, мамнун бўламиз. Кучимизга куч қўшилиди.

Яқинда Президентимизнинг ер эгаларига бўлган яна бир юксак эътиборидан воқиф бўлдим. Эндиликда биз каби ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори эълон қилинган газетани топиб, ўқиб чиқдим. Унда ҳақиқатан ҳам бизни бироз қийнаб келаётган масалаларни оқилона ҳал этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилибди. Бунинг учун давлатимиз бюджетидан мақсадли маблағлар йўналти-

рилиши айни муддаодир. Яқиндагина Юртбошимиз олис бир вилоятда бўлиб, беш-ун фермер билан бевосита дала бошида суҳбатлашганларини телевизор орқали кўрдим. Ушанда давлатимиз раҳбари қунончилик билан «Ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашимиз керак, бусиз кўзлаган натижаларимизга эришишимиз мушкул» қабилида фикр билдирган эдилар. Айтилган гап шунчаки қолиб кетгани йўқ. Янги қарор айнан амалий ишларга ўтишда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Дарвоқе, яна бир гап. Техникаси йўқ фермер ҳар жиҳатдан қийналади. Нима қилиб бўлса ҳам техник имкониятларимизнинг етарли бўлишига эришишимиз шарт. Янги қарорим бу борада яна бир муҳим имтиёз бор. Яъни 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгача узайтириладиган бўлди. Бу техника олиш пайида юрган юзлаб заминдорлар учун чинакам қулайликдир.

Раҳматхон СОИПОВ, Покент туманидаги «Олтин кир неъмат» фермер хўжалиги раҳбари.

Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божхона институтида 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

ФАХР ВА ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тadbирда ёзувчи ва шоирлар, ўқитувчилар, мазкур академия тинловчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов давлатимиз байроғи гербимиз ва маънавий каби Ватанимиз мустақиллиги, ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимизнинг асосий рамзларидан эканини таъкидлади.

Анжуманда қайд этилганидек, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоялаш, аҳолини, айниқса, ёшларни фахр-ифтихор билан яшашига даъват этишда давлатимиз рамзлари, жумладан, байроғимизнинг аҳамияти беқийсдир.

Қуролли Кучлар сафига қаҳарилган, ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам давлатимиз байроғи олдида она-юртни кўз қорачиқидек асраб-авайлашга, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш борасида тантанали қасамда қабул қилдилар.

Шу боис ўғил-қизларни тарихимизга хурмат, истиклол юзларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятни вазифини бажаришда давлатимиз рамзларининг тарихи, мазмун-моҳияти, ҳаётимизда тутган ўрнини тушунтиришга йўналтирилган маърифий тadbирларнинг самараси ва таъсирчанлигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга.

У.А.

САНОАТЧИЛАР ФОРУМИ

«Ўзэкспомарказ» павильонларида 12 ноябрь куну Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси очилди

Ўзбекистон саноатчиларининг ушбу форумида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 224 корхона, жумладан, турли вазирилик, компания ва концернлар таркибига кирувчи 142 йирик ишлаб чиқариш субъекти ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Бу ерда илгари импорт қилинган ва эндиликда маҳаллий хом ашё неғизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар билан танишиш, уларнинг савдоси бўйича шартномалар тузиш мумкин. Тadbирда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган корхона ва ташкилотлар учун махсус сайт очилган бўлиб, унда маҳаллий ишлаб чиқариш субъектларининг эҳтиёж ва талаблари ҳақидаги барча маълумотлар жамланган.

Форум доирасида ўттиздан зиёд етакчи корхонанинг тақдими ўтказилиши



режалаштирилган. Бундай тadbирлар тармоқларо ва тармоқ ичидаги кооперация билан боғлиқ масалалар муҳокамаси учун яхши имконият яратди. Шунингдек, кооперация биржаси давомида маҳаллий корхоналарга, жумладан, кичик бизнес субъектларига ўзлаштириш учун тақлиф этилаётган маҳсулотлар рўйхати тақдим қилинади. Ҳар бир иштирокчи ўзини қизиқтирган тармоқ юзасидан тўла маълумот олиши, ҳамкорлик юзасидан музо-

каралар ўтказиши, битим ва шартномалар имзолаши мумкин.

Анжуманнинг биринчи куну «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати» очик акционерлик жамиятининг тақдими бўлиб ўтди.

Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси қатнашчилари бир hafta давомида бир-бирининг имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари билан танишади, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказди, савдо шартномалари ва шериклик битимларини имзолайди. Форумнинг биринчи куну умумий қиймати 111,6 миллиард сўмлик 62 шартнома имзоланди.

У.А.

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди.

БАЙРАМГА АЙЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон давлат консерваториясида 11-12 ноябрь кунлари фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи голиблари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

«Янги авлод» фестивали «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармасининг йирик ижодий лойиҳаларидан. У иқтидорли ўқувчи ёшларни излаб топиш, аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади. 2004 йилдан бунён ўтказилаётган ушбу ёш истеъодлар беллашувида дастлаб уч юз нафардан ортқ ўғил-қиз иштирок этган бўлса, жорий йилда фестивалда салкам саккиз ярим минг нафар ўқувчи қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг қарийб беш юз нафари асаъ санъат байрамининг якуний республика босқичида қатнашиш имкони-

Назокат УСМОНОВА, У.А муҳбири.

Вилоят сайлов комиссиясига ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Шу йилнинг 11 ноябрь куни бир қатор шаҳар ва туманларда бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов бўлиб ўтди.

монидан 11, Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан 2 нафар номзодлар кўрсатилиб, рўйхатга олинди.

Table with 6 columns: Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, Туғилган йили, Эгаллаб турган лавозими, Турар жойи, Сайлов округининг тартиб рақами, Номзод этиб кўрсатган ташкилот

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония маданият марказида "Дутор наволари" мавзусига бағишлаб юртимиз ва Кунчиқар мамлакат санъаткорлари томонидан ташкил этилган мусликий тадбир бўлиб ўтди.

Унда япон ва ўзбек ижодкорлари томонидан ҳар икки давлатнинг миллий санъати ва маданияти уйғунлашган чиқишлар тақдим этилди.

«Туркистон-пресс».

Яна тўловлар ҳақида

ГАЗ ҲАҚИНИ УНУТИШДИМИ ЁКИ...

Ўртачирчиқ туманида аҳоли эҳтиёжи учун бир кеча-кундузда ўртача 630000 куб метрдан зиёд-роқ газ сарф қилинади.

Эшонова 278036 сўм қардор эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Газдан фойдалангандан кейин унинг ҳақини тўлаб қўйишни на-хотки, унутиб қўйишган бўлиши?

Хозир туманда қорхона ва ташкилотларнинг газдан де-биторлик қарзи 10 миллион сўмга яқин, аҳолининг қарзлари эса 2 миллиард сўмдан ортиқроқдир.

Вазият шундай бўлишига қарамай, «Ўртачирчиқ-тумангаз» маъмурияти киши мавсумга тайёргарлик ишларини бекаму-қўст амалга оширди.


Биргина мисол. «Қорасув» кишлоқ фуқаролар йиғини Қирғизовул маҳалласидан Уткир Тоғаев 191903 сўм, Навой кишлоқ фуқаролар йиғини Уйғур маҳалласидан Зухра Валиева 264741 сўм, Ангор кишлоғи Изаовул маҳалласидан Эр-гаш Турдибоев 235125 сўм, шу қишлоқнинг Қаторовул маҳалласидан Рашид Ражабов 192255 сўм, Тўйтепа шаҳрида яшовчи Ирода

хакини тўлашдан бўйин то-вляб юрганларнинг иши да-лалатнома асосида ҳужалик судига топширилмоқда.

Демак, туман газ идора-си ходимлари киши мавсумга пухта ҳозирлик кура-ётган экан, маҳаллий аҳоли ҳам ўзлари учун яратилаёт-ган қулайликларга жавобан газ ҳақини вақтида тўла-ши ёддан чиқармасликлари лозим.

Хуррият МЎМИНОВА.

Янгибозорликлар компьютерларнинг у ёки бу қисми ишдан чиқиб қолса, шаҳарга қатнашга мажбур бўли-шарди. Комилжон Ни-ёзматов Янгибозор шаҳарчасида ўзининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганидан бери ту-мандошларнинг ком-пьютер техникаси би-лан боғлиқ муаммолари ўз-ўзидан ечилди.



МЕТАЛЛУРГА ТАВСИАЛАР

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларини янги техникалар билан қурулантиришда Тошкент давлат техника уни-верситети мутахассис олимларнинг тавсиялари қўл келмоқда.

Олий ўқув юртининг ме-ханика-машинасозлик фа-култети бир гуруҳ тадқи-қотчилари қорхонадаги мав-жуд усуналарнинг техник ҳолатини баҳолашга доир изланишлар олиб бориш-ди. Бу тадқиқот комбинат цехларидаги технологик жиҳозлардан унумли фой-даланишга қаратилган бўлиб, ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичини амал-га ошириш жараёнида қор-хонадаги чилангарлик даст-гоҳларини ишлашнинг муқобиллиги баҳоланди.


Олимлар комбинат бу-юртмаси асосида яна бир неча тавсияларни тақдим этдилар.

Ақбар АЛИЕВ.

Тошкент вилоят давлат педагогика институти 2008 йил учун аспирантурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.02 – Ўзбекистон тарихи 10.01.09 – Фольклоршунослик

Аспирантурага ўқиш учун 30 ёшгача бўлган, танлаган ихтисослиги бўйича олий маълумотли ёки магистратурани битирганлар қабул қилинади.



ЭНДИ ШАҲАРГА ҚАТНАШ ШАРТ ЭМАС

Ушбу техник хизмат кўрсатиш сервис маркази тумандаги қорхона, муасса-са, ташкилот, коллеж ҳамда умумтаълим мактаблари компьютерларини тез ва сифатли созлашни йўлга қўйди.

СУРАТДА:

Комилжон Ниёзматов иш устида. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

"Respublika Mulk-Auksioni" ДУК барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибиде ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади.

Table with 6 columns: Автотранспорт воситасининг русуми, Давлат рақами, Ишлаб чиқарилган йили, Тури, Бошланғич баҳоси (сўм), Савдо куни

Table with 6 columns: Янгийул "Биокимё" ОАЖга қарашли, Тошкент вилояти, Янгийул шаҳри Кимёгар кўчаси, 1-уй.

Table with 6 columns: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тошкент вилояти Бекобод тумани бандликка қўмақлашувчи марказига қарашли, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар кўчаси.

Автотранспорт воситаларининг такрорий очик АУКЦИОН савдолари 2007 йилнинг 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Table with 6 columns: Автотранспорт воситасининг русуми, Давлат рақами, Ишлаб чиқарилган йили, Тури, Бошланғич баҳоси (сўм), Савдо куни

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсанотқурилиш банки"нинг Марказий амалиёт минтақавий филиали х/р 20210000804537599001, МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100 ҳисоб рақамига зақалат пули тўлашлари шарт.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.

Сотиб олинг ва эгалик қилинг! Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали. Телефонлар: 139-21-03, 139-83-82, 150-34-45. Факс: 150-34-46. Интернетдаги сайт www.mulk.uz



ҲАМИША МЕҲРГА МУҲТОЖ

Заминимизда биологик хилма-хиллик, табиий ва маданий ресурсларнинг муҳофазасини таъминлаш учун махсус ажратилган ҳудудлар мавжуддир. Ҳозирги вақтда ер юзидagi 120 дан ортик мамлакатда 8,5 минг квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган 8500 дан ортик муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бор. Бундай жойларни ташкил қилишдан асосий мақсад табиий бойликларни келгуси авлодга бутунлигича етказишдир.

Лекин ҳозирги вақтда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар кўплаб жиддий муаммоларга учрамоқда. Ноконуний ов, доривор ва озубоқ ўсимликларни териб, ўтин тайёрлаш, мол боқиш, қишлоқ хўжалик ерларининг кенгайиши, тартибсиз туризм, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бегона турларнинг кўпайиши кабилар шулар жумласидан.

Шу ўринда айтиш жоизки, биргина табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат назоратини сай-ҳаракатлари билан нобуд тоғ ўсимликларининг нобуд қилиниши, ноконуний овлар таъсирини камайтириш ва уларни сақлаб қолишга эришиш мумкин эмас. Бундай сай-ҳаракатларга кенг аҳоли оммасини жалб қилиш, тушунтириш-тарғибот ишларини кўчатириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу маънода кўмита назорат томонидан экологияга бағишлаб кўплаб эко-форумлар, кўрик-танловлар ўтказилиб, уларда биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш, экологик таъсирни ривожлантириш чоратadbирлари муҳофаза қилинмоқда. Танлов ғолиблари эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётир.

Тўғри, амалга оширилаётган бу ишлар билан чекланиш ноўрин. Бундан кейин табиий бойликларнинг хилма-хиллигини сақлаш йўлида сай-ҳаракатларни янада оммавий тус олдирсак, табиатга меҳримизни бериб улугласак, келажак авлодлар олдида юзимиш янада ёруғ бўлиши табиий.

Азиз АЗИМОВ,
кўмита давлат ноziри.

Хабарингиз борми?

ЧИҚИНДИЛАР ОРОЛИ

Тинч океанида янги орол пайдо бўлмоқда... Кизиғи шундаки, бу орол Шимолий Американинг ғарбий соҳили яқинида тўпланаётган ахлатдан ташкил топяпти. 1950 йилдан буён «қад ростлаб» келатган мазкур оролнинг майдони 1 миллион квадрат километрга

етади. У «Тинч океанининг буюк ахлат ороли», «Шарқий ахлат ороли» ва «Ахлат айсберги» каби номлар билан аталади. Олимлар унинг табиатга зарар келтириши мўқаррар эканлигини таъкидлашмоқда. Негаки, унинг катта қисми пластик чиқиндилардан иборат. Бу эса океан учун хафлидир.

ДАРАХТДА ЯШАЙДИГАН БАЛИҚ

Олимларнинг янги кашфиёти «Балиқлар фақат сувда, қушлар эса дарихтда яшайди», деган тушунчага ўзгариш киритадиган бўлди... «Daily Mail» нашрининг хабарига кўра, *Revuus marmoratus* Роеу деб номланган балиқ ҳар йили бир неча ой мобайнида сувдан чиқиб, дарихт устида ўти-

ради. Навда ва япроқлар орасига яширинган балиқларни ҳавдан нафас олиш учун ўз биологик тузилишини ўзгариштириб олади. Биолог олимлар бу турдаги балиқларнинг ноодатий ҳолатда узок яшай олишидан хайратда. Бу балиқнинг яна бир ғаройиб хусусияти шундаки, у жуфтсиз кўпаяди.

Шарқда шундай ҳикмат бор: «Агар инсон фарзанд тарбия қилмаган, бирон уй қуролмаган, жилла курс, бир дарихт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри зое кетган ҳисобланади». Биз ана шу ҳикматларга таяниб, Она-табиатга нисбатан ижобий муносабатда яшасак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА

Юртдошларимиз орасида табиат билан ҳамнафас яшайдиган, ортидан доғ эмас, бог қолдиришга интиладиган инсонлар бисёр. Ана шундайлардан бири Абдор Ҳазратқуловдир. Ҳозир у киши вилоят педагогика институти ректори лозимиди фаолият юритмоқда. Салоҳиятли жамоага бош бўлиш баробарида илм даргоҳи ҳудудида

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта аҳамият бериб келмоқда. Шу кунгача 2 минг туп кўп йиллик ва бир йиллик кўчатлар эктириб, илм даргоҳини чаманзорга айлантирди. Бу йил ҳам институт ҳудудида яна шунча туп ёш дарихт ниҳоллари ўтказилиб, парваришланмоқда.

Асл инсон гўзалликка ин-



тилиб яшайди. Шундай экан, ҳар биримиз ана шундай раҳбарлардан ўрнак олиб, бизни боқадиган ва кийинтираётган Она-табиатга меҳр-муҳаббатли бўлайлик, унинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшайлик, одамларни ҳамнафас яшашга даъват этайлик.

Эгамназар ХУҲАЕВ,
кўмитанинг жамоатчи ноziри.

ҲАР БИРИ ЭЪТИБОРДА

Халқимиз ҳамisha ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор беради. Айниқса, теварак-атрофи дарихтзор, кўкаламзор бўлган аjoyиб гўшалар барчанинг баҳри-дилини очади. Бир тасаввур қилиб кўринг, ёз чилласининг жазирама иссиғида ўзингизни кўёш тафтидан олиб қочгани жой тополмайсиз. Шунда бир зумгина дарихт соясида ҳордиқ чиқарсангиз руҳиятингиз тетиклашади. Бундан ташқари, дарихтлар карбонат ангидрид қабул қилиб, кислород ишлаб чиқаришини яхши биламиз. Шундай экан, ҳудудимиздаги мавжуд барча дарихтларни асраб-авайлашимиз, уларнинг ҳуда-беҳуда кесилиб кетишининг олдини олишимиз лозим.



«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун айнан бу борада содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Мазкур қонун талабларини бажариш мақсадида кўмитамиз давлат назорат томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига қонун моҳиятини тушунтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Лекин афсуски, шунча сай-ҳаракатларимизга қарамай, фуқароларимиз дарихтларни ноконуний кесиб-тағинининг гувоҳи бўламиз. Шунини унутмаслик лозимки, битта дарихтни кесиб учун туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори би-

лан бирга табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ҳам руҳсати бўлиши шарт. Яқинда Пскент туманидаги Дўстлик қўрғониди истиқомат қилувчи Аваз Аскарор ҳеч қандай ҳужжатларсиз уч туп чинор дарихтини кесган. Уларнинг диаметрлари 34, 35, 36 сантиметрдан иборат бўлиб, бу ноконуний иш юзасидан тегишли далолатнома тузилди. Фуқаро «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-, 15-моддаси талабларини қўпол равишда бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси «Маммурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 79-модда 1-қисми билан 15525 сўм жаримага тортилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 293-сонли қарорининг 1-иловасига асосан табиатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида жавобгар 144382,5 сўм товон тўлашга мажбур бўлди. Бундай қимсалар оқибатини ўйламай қилган хатти-ҳаракати туфайли фақат табиатгагина эмас, ўзи ва оиласига ҳам қанчалик зарар келтираётганларини бир ўйлаб кўрсалар, аини мудоао бўлар эди.

Холмурод УМАРОВ,
Олмалик минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат ноziри.

УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ ДАХЛСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида» дея баён этилган. Шундай экан, бизга табиат инъом этган бу бойликларни асраб-авайлаш учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан бир қатор қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Оққўрғон тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат назорат томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Назоратимиз мазкур Қонун мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш, тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратаётирлар. Олиб бориладиган сай-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ бир қанча қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга эришдик.

Бироқ, айрим ҳамоиртларимиз ўз манфаати йўлида қонун талабларига беписанд қарамқодалар. Албатта, бундай ҳолатларга йўл қўймастик мақсадида кўплаб рейдлар ўтказиб турилибди. Назоратимиз томонидан яқинда ўтказилган текширувлар натижасида Охангарон дарёси ўзани бўйлаб қум-шағал ресурсларидан ноконуний фойдаланаётган кимсалар аниқлиниб, уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Жумладан, фуқаролар Ҳамза Шодмонқулов, Равшан Ўрозқулов, Баҳром Эшонқуловнинг ҳар бирига 12420 сўмдан жарима со-

линиб, ундириб олинди. Шунингдек, фуқаролар Хидоят Курбонова, Хусан Тошпўлатов, Карим Қуноҳов, Адхам Адилбоев «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунни бузганига учун 37260 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлишди. Ойбек Шокирбоев ва Камолддин Алибоев мазкур Қонуннинг 70-моддаси билан 12420 сўм жаримага тортилди.

Нозирларимиз томонидан олиб бориладиган чора-тадбирлар тағ замирида табиатга ҳўжасизларча муносабатда бўлаётган фуқароларни жазолаб, давлатга етказилган зарарини ундириб олиш бош мақсад эмас. Асосий гап – фуқароларимиз табиат нематларини биз учун битмас-туганмас бойлик эканлигини англаб етишларига эришишда.

Белгиланган қонунларни бузиб, табиий нематлардан шахсий манфаат йўлида аёвсиз фойдаланаверсак, эртаг биздан келажак авлодларимизга нима қолади? Ана шу саволни ҳар бир фуқаро ўзига-ўзи берганида эди, бу каби ҳолатлар барҳам топарди.

Хусниддин НИШОНОВ,
Оққўрғон тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат ноziри.

ОВИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСИН

Фақат у қонун-қонда талаблари асосида бўлиши лозим

Бизларни дунёга келтириб, тарбиялаб вояга етказган оналаримизни эъзозлаб, ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қиламиз. Шундай экан, нега табиатни онага қиёслаб, Она-табиат деймиш-у, уни онамиз сингари ардоқлай олмаймиз? Нима учун баъзи кишилар биз инсонларнинг фаровон турмуш кеңиришимиз учун табиат инъом этган нематларга тажовузкорона муносабатда бўлишадиганга безътибор қараймиш?



Ҳукуматимизнинг атроф-муҳит муҳофазасини кўчатиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилаётгани, натижада ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, табиатимиз бойликларига зиён етказадиган кимсаларнинг таноби тортилмоқда. Барчамизга яхши маълумки, Тошкент вилояти республикамизда ўзининг бетакорр хушманзара табиати билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда вилоят ҳудудидаги 87 хил ҳайвон ҳамда 130 хил ўсимлик тури «Қизил китоб» саҳифаларидан жой олган. Бу ноёб жонзот ва ўсимликлар доимо давлат муҳофазасида эканлигини ёдда сақламоқлигимиз лозим.

Ҳозир вилоятда «Билдирсой», «Ахча», «Ойбек», «Бекобод» ҳамда вилоят овчилик жамиятлари фаолият олиб бормоқда. Фақат шуларгина ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари асосида маълум муддатларни белгилаб, махсус ажратилган ҳудудларда ов қилиш учун мавсумий йўлланма ва гувоҳномалар бериш ваколатига эга. Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат назоратининг ҳам бу борада ўз вазифалари бор. Улар бу йўналишга доир қонун-қоидалар ижросини доимий назорат қиладилар.

Афсуски, олиб бориладиган назорат ва профилактика ишларига қарамай, баъзи «дайди» овчиларнинг хатти-ҳаракати таъбингизни хира қилади. Чирчиқ шаҳри, 8-кичик туман, 66-уйнинг 51-хонадониди яшовчи Д. Кудрявцев дам олиш кунини ўзининг сеvimли машғулотини – ов қилиш билан ўтказмоқчи бўлди. Лекин у машғулотини қонуний бўлиши шарт эканлигини била туриб, бунга эътибор бермади. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз ов қилиб юрганида, нозирларимиз томонидан қўлга олинди ва жаримага тортилди.

Худойберди Риксибоев мавсум тугаган даврда ов қилишни ихтиёр этди. Уртачирчиқ тумани «Ҳақиқат» фермерлар уюшмаси Карим Тешабоев кўчасида яшовчи бу фуқаро че-

гара қўшинлари ўқув-машғулот базасида қоровул бўлиб ишлаши аниқланди. Ноконуний хатти-ҳаракати қоровул учун қимматга тушадиган бўлди.


Бўстонлик тумани Тақаянхот қишлоғини У. Сайтимбоевнинг ҳам овчиликка иштиёқи баланд. Лекин у ҳам овчиликни фақат кўнгилкушига айлантириб олганлардан бўлиб қикди ва қонун олдида жавоб бермоқда.

Жойларда юқоридаги каби нохуш ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида кўмитадаги «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш» махсус нозирлиги томонидан 20 нафарга яқин жамоатчи нозирнинг фаолияти йўлга қўйилган.

Фуқароларимиз доимо ёдда сақлашлари лозимки, давлат тасарруфига олинган барча бойликлар ва табиат нематларининг дахлсизлиги бир қатор қонунлар ҳимоясидадир. Айримларда жаримани тўласам қутуламан деган фикр бўлиши турган гап. Қонунбузарларни жаримага тортиш билан иш битмаслиги барчамизга аён. Бундай кимсаларнинг белгиланган жаримани тўлагандан сўнг яна қайта ноконуний ов қилмасликларига ҳеч биримиз қафолат бера олмаймиз. Бунинг учун ҳар биримиз Она-табиат инъом этган барча бойликларни қўз-қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга соф ҳолича етказишимиз зарурлигини англаб етишимиз керак.

Бахтиёр ХОШИМОВ,
ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги давлат ноziри.

Маълумотларга кўра, вилоятимизнинг умумий ер майдони 1 миллион 525 минг 973 гектардан иборат бўлиб, шундан 304 минг 124 гектари суғориладиган ҳамда лалмикор ерлардир. Вилоят ҳудудидан Чирчиқ ва Охангарон дарёлари оқиб ўтади. Ғарбий Тянь-Шань тоғининг сувларидан Чотқол ва Пском ўзанлари ҳосил бўлиб, Чирчиқ дарёсини ташкил этади. Унинг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисми 164 километрдан ортиқроқдир.



ДАРЁГА ЗИЁН ЕТКАЗМАНГ!

Сирдарёга энг кўп сув етказиб берувчи Охангарон дарёси эса Чотқол ва Курама тоғларидан оқиб келувчи сойлардан ҳосил бўлиб, вилоят ҳудудидан ўтувчи қисми 200 километр атрофида. Дарёларнинг маълум жойларига кўпинча катта микдорда қум ва шағал тўпланиб қолади. Албатта, бу оқимнинг меъёрий ҳолатига ҳалақит бериши табиий. Натижада қирғоққа яқин далаларни сув босиш хавфи туғилади. Шундай ҳолларда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экспертиза хулосасига асосан қум-шағални техника ёрдамида ташиб кетишга рухсат берилади. Албатта, бу ишлар дарихтларга, ўсимликларга зиён етказмаслик, шағал билан дамбаларни мустақамлаш каби шартлар асосида амалга оширилиши зарур. Меъёрий ҳужжатларда, ҳатто, шағални қанча чуқурликка олиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида нозирларимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аини дамда вилоятимиз ҳудудида жами 72 та карьер қонуний фаолият кўрсатмоқда. Бу, албатта қувонarli ҳолдир. Бироқ, табиат нематларидан ҳисобланмиш қум-шағалларга баъзан айрим фуқароларимиз тажовузкорона муносабатда бўлаётганлигини кўриб, таъбингиз хира тортади. Чирчиқ ва Охангарон дарёлари қирғоқларида табиатга нисбатан аёвсиз муносабатда бўлиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида кўплаб рейдлар ташкил қилинмоқда. Жумладан, Уртачирчиқ тумани «Ҳақиқат» фермерлар уюшмасида яшовчи Камол Норматов ҳамда Абдулла Эшматовнинг ўзбошимчалиги қимматга тушди. Улар Охангарон дарёси ўзанида ноконуний равишда қум-шағал ортлаштиришда нозирларимиз томонидан ушланиб, тегишли далолатномалар тузилди ва жаримага тортилди. Шунингдек, Оққўрғон тумани Ф. Фулом кўчасида яшовчи Камол Алибоев бир эмас, бир неча бор шу дарё ўзанидан уйдиги қурилиш учун қум-шағал ташиб, охир-оқибат бунга яшиғина

«тириқчилик»ка айлантириб олган эди. Аммо, вақти келиб, бу хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб беришига тўри келди.

Яна бир мисол. Қибрай тумани «Гулистон» кўчаси, 4-уйда яшовчи Мирсолим Жалилов ҳам Чирчиқ дарёси ўзанида ҳеч қандай ҳужжатсиз ўзининг «Экскаватор» русумли тракторида қум-шағал ортлашган чоғида нозирларимиз томонидан ушланиб, жаримага тортилди.

Албатта қум-шағал масаласида ноконуний ҳолатларга қарши курашиб, айбдорларни жаримага тортиш билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Хар бир фуқаро бунга тўри тушуниб етиши лозимки, қазим натижасида дарихтлар, ўт-ўлан, паррандалар, сувдаги балиқ ва бошқа жониворларга зиён етказилиши мумкин. Шунинг учун вилоятимиз ҳудудидан оқиб ўтаётган Чирчиқ ва Охангарон дарёларига зиён етказмайлик.

Зульфия ЯРУЛЛИНА,
ер ва сув ресурсларни муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи.

Луқма ШИФОКОРКИ ШУНДАЙ ҚИЛСА...

Хазонрезги куз фаслининг ўзига яраша ташвишлари бор. Фуқароларимиз ўзлари истиқомат қилаётган хонадон, маҳалла, кўча-кўйларни саранжом-сарилталаш мақсадида турли қикинди, айниқса, дарихтлардан тўқилган япроқларни тўплаб, йўқ қилишга ҳаракат қилишади. Афсуски, аксарият фуқаролар жонларини қойитиб ўтirmай, хазонларни ёқиб юборишни маъқул қўришаёпти.

Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу суратлар эса Ангрэн шаҳар марказий шифохонаси ҳудудида олинган. Неча марталаб ўтказилган тарғибот-ташвиқотларга, огоҳлантиришларга қарамай, шифохона ҳудудида бундай хунук ҳолатлар тез-тез такрорланиб турипти. Дарихт барглари, чиқиндилар ёнганда атроф-муҳит ифлосланиши, энг ташвишлани аҳоли саломатлигига салбий таъ-

сир қўрашганини била туриб шифохонадагилар бу ишга қўл уришадигани кишини ажаблантиради. Беморлар бу ерга ўз даридан фориғ бўлгани келишадими ёки яна бир касаллик орттириб кетганими?

Ўйлаймишми, бу соволга шаҳар марказий шифохонаси мутасаддилари холис жавоб берадилар.

Даврон АҲМАД
олган сурат.



Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИБЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашди.

Спорт | Спорт

Олий табақа ЭНДИГИ ҒАЙРАТДАН НИМА ФОЙДА...

Футбол жамоалари 26-тур учрашуларини ўтказдилар. Вилотимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» жамоаси Андижонда майдон эгаларига қарши баҳс юритди.

Бу жамоаларнинг Бекободдаги биринчи даража баҳсида андижонликлар 4:1 ҳисобида ғалаба қозонгандилар. Андижондаги учрашуларда ҳар икки жамоанинг ҳужумкор ўйини натижасида учрашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан аяқланди.

Турнинг қолган учрашуларидан куйидаги натижалар кайд этилди: «Пахтакор» - «Самарқанд-Д» 2:0; «Қурувчи» - «Машъал» 2:0; «Шўртан» - «Вобкент» 2:1; «Насаф» - «Трактор» 4:2; «Тупаланг» - «Кизилқум» 4:1; «Бухоро» - «Навбахор» 1:0; «Нефтчи» - «Локомотив» 0:1.

Чемпионатда ҳамон «Пахтакор» карвонбошлик қилмоқда. Иккинчи ўринни «Қурувчи», учинчи ўринни эса «Машъал» жамоаси банд этган.

Чемпионатда навбатдаги 27-тур 25 ноябрь кuni бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонидан «Насаф»ни қабул қилади.

Биринчи табақа УМИД КЕЛАСИ ЙИЛГА ҚОЛДИ

Чемпионат иштирокчилари 38-тур учрашуларини ўтказди.

Сўнги турда Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси Тошкентнинг «Локомотив» жамоасини қабул қилди. Тўпурлардан баҳсида пешқадамлик қилаётган Жасур Дўстмурод 8-дақиқада меҳмонлар дарвозасини ишғол қилиб, ўз ҳисобидаги тўплар сонини 23 тага етказди.

Аммо ўйин 1:1 ҳисобидан тугади. «Кимёгар» 65 очко тўплаб чемпионатни олтинчи ўринда аяқлади.

Биринчи табақадаги вилотимизнинг иккинчи жамоаси «ОТМК» (Олмалик) Яйпаанда «О. Акбаров» жамоасига ўйинини 0:2 ҳисобидан боғ бериб, чемпионатда 48 очко билан 14-ўринни эгаллади.

Талъат ЮСУПОВ.

Якуний жадвал:

Table with 6 columns: Жамоалар, Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists team statistics for various clubs.

Бу отахоннинг таърифни Янги-Бобода эшитган эдим. Чети сувалик Карим зинда билан бир гаплашмайси, - деди Топшўлат ака деган янги танишим.

Отахон ҳазилқаш. Икки гапининг бирини кулгига ураб, мутойиба ё киберадиган отахон. Бир кун илаб бордим. Ангрэндан чиқиб, Қўқон тарафга юрсангиз, Чинор, Сержақирлиди, Тангатапди деган кентлар келади.

Узун-қисқа бўлиб ховлига кирдик. Ток тағида баланд сўри. Унга тизза бўйи қилиб кўрпача солинган. Отахон сўрига имо қилди.

Шу ерда ўтирайлик, а? Тоза ҳавода гап гапта тез қовушадими, нима дедингиз? Қани, омин, қадам етди, бало етмасин!

Биринчи табақада 20 та жамоа баҳс юритди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Андижоннинг «УзДОНГЖУ» жамоалари қучилар сафига йўллангани кўлга киритди.

Биринчи табақага «Зарафшон», «Шахрихон», «Косонсой», «Ромитан» жамоалари тарқ этди.

Биринчи табақага «Зарафшон», «Шахрихон», «Косонсой», «Ромитан» жамоалари тарқ этди.

Талъат ЮСУПОВ.

Кема чўкипти. Икки киши сува қандайдир ҳодага ёпишиб, қалқиб юришди. Уларнинг бири билан овозда худодо тавалло қилаяпти: - Раҳм-шафқат қил менга, тангрим. Мен гуноҳкор бандангни кечир. Мен ичкиликбоз эдим... Елгон гапирардим. Аёлларни алдаганман... Қасамд қилманки, бошқа ҳеч қачон... - Тўхта! - деб унинг гапини булади шериги, - олисда кема кўринди.

Отахон ҳазилқаш. Икки гапининг бирини кулгига ураб, мутойиба ё киберадиган отахон. Бир кун илаб бордим. Ангрэндан чиқиб, Қўқон тарафга юрсангиз, Чинор, Сержақирлиди, Тангатапди деган кентлар келади.

Узун-қисқа бўлиб ховлига кирдик. Ток тағида баланд сўри. Унга тизза бўйи қилиб кўрпача солинган. Отахон сўрига имо қилди.

Шу ерда ўтирайлик, а? Тоза ҳавода гап гапта тез қовушадими, нима дедингиз? Қани, омин, қадам етди, бало етмасин!

Биринчи табақада 20 та жамоа баҳс юритди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Андижоннинг «УзДОНГЖУ» жамоалари қучилар сафига йўллангани кўлга киритди.

Биринчи табақага «Зарафшон», «Шахрихон», «Косонсой», «Ромитан» жамоалари тарқ этди.

Биринчи табақага «Зарафшон», «Шахрихон», «Косонсой», «Ромитан» жамоалари тарқ этди.

Биринчи табақага «Зарафшон», «Шахрихон», «Косонсой», «Ромитан» жамоалари тарқ этди.

Талъат ЮСУПОВ.

Кема чўкипти. Икки киши сува қандайдир ҳодага ёпишиб, қалқиб юришди. Уларнинг бири билан овозда худодо тавалло қилаяпти: - Раҳм-шафқат қил менга, тангрим. Мен гуноҳкор бандангни кечир. Мен ичкиликбоз эдим... Елгон гапирардим. Аёлларни алдаганман... Қасамд қилманки, бошқа ҳеч қачон... - Тўхта! - деб унинг гапини булади шериги, - олисда кема кўринди.

Орамиздаги оғамлар

Отаман беш ёшимда етим қолдим, онам раҳматлик билан урушинг азобларини тортиди. Шундай қилиб, мана, саксон ёшни қоралаб турибман. Мен зинда бўлмак, ким зинда бўлсин, меҳмонжон!

Гап гапга улашиб, пешин бўлганини ҳам сезмабман. Мен Яратганга ибодат қилиб олай, сизлар Қобилжон билан боғ айлаиб келинлар, - деди отахон.

Боққа кўтарилдик. Ростдан ҳам қаровисиз боғ ёвойи гулистонни эслатди. Каллакланмаган, буталмаган

мол билан йўл талашамиз. Мана бу холангизини яхши кўриб олдим-у, асовлигим босилди, ёввош бўлиб қолдим. Тўғрими, Равшаной?

Чол кампирга юзланди. Хола лабини бурди: - Ёввош эмиш. Ҳалиям гапирсангиз ўттиз икки тишингиз ёнади.

Ҳалиям гапирсангиз ўттиз икки тишингиз ёнади. - Яхшига яхшиман, ёмонга ёмонман-да, онаси. Фельмики ўзинг биласан.

Карим отанинг фель-атворини нанкини уйдагилар, бутун қишлоқ аҳли яхши билади. Карим зинда чўртқесар,

ҳунарнинг бошини ушламасам бўлмас, бўйиби оравверсам, бир кун томан шалолаб қулаб тушмайин, дедим. Ишга кирдим.

Отахон «мана гувоҳларим ҳам бор», - деб олдимга учта меҳнат дафтарчасини ташлади. Эскириб, титилиб кетган биринчи дафтарни варақладим.

«1947 йил. Узбекуюль. Рабочий» деб ёзилган. Демак у киши 18 ёшдан давлат хизматига бел боғлаган. Шу бўйи Карим зинда қилмаган касб қолмади.

Гоҳ ишчи, гоҳи слесарь, гоҳ шофёр, гоҳ механик, экспедитор, ки-чик муҳандис, қурувчи, назоратчи... Эллик йилга яқин Ангрэн - Қўқон йўли курилишида ишлади. Юз эллик километрик кенг, қафдек текис йўлнинг ҳар бир қаричини яхши билади. Йўл назоратчиларининг айтишича, бутун йўлдан кунига ўн мингдан ортқ машина ўтар экан.

Карим отанинг фель-атворини нанкини уйдагилар, бутун қишлоқ аҳли яхши билади. Карим зинда чўртқесар,

ҳунарнинг бошини ушламасам бўлмас, бўйиби оравверсам, бир кун томан шалолаб қулаб тушмайин, дедим. Ишга кирдим.

Отахон «мана гувоҳларим ҳам бор», - деб олдимга учта меҳнат дафтарчасини ташлади. Эскириб, титилиб кетган биринчи дафтарни варақладим.



Ҳазиллашдим: - Меники уйку бостирадиган хили-дан.

Отахон ёйилиб қўлди: - Э, яхши бўлди! Узи кечалари ухлай олмай, ховлида қоровулик қилиб чиқардим. Бир тўйиб ухлайдиган бўлдим.

Бироз туриб сўради: - Эрикарли китобларни нега чиқаришадиган? Илоҳи йўқдир-да, а?

Сизнинг боғингизда пишган ме-валарнинг ҳам бари ширин эмас-ку, тўғрими? Анчиги бор, нордонни бор дегандек...

Ота бош силкиб қўйди: - Бу гапингиз ҳам тўғри. Халитдан бери кўнглимда бир сўрқ чарк уриб турибди. Охири сўраш-га жазм қилдим.

Отахон, нега сизни Карим зинда дейишадиган? - Зинда тирик дегани, биласиз. Шоҳзанда, зиндабод дейишадиган-ку. Шу, 17-18 ёшдан зиндаман. Поваз-ларнинг томида юриб, тирик қолдим.

30-йилларнинг қаҳатчилигида ўлмадик. дараклар бир-бирининг пинжига суқилиб, осмонни тўсиб қўйган. Узбекнинг боғида бўладиган мевалик дарахнинг ҳаммасидан бор. Қобилжон айтиб турди, мен ёздам: гилос, олма, шафтоли, тут, олча, ёнғоқ, ўрик, жийда, дўлана, узум, беҳи, анор, олқўри, нок...

Боғдан қайтиб тўшдик. Отахон номозини адо этиб, бизни кўтиб ўтирган экан.

Чол бўлгандан кейин уч оёқлаб юрасиз экан, - деди у асосига таяниб сўридан тушаркан, - шунча йил тоғу тоғу тез кезиб юргүдиган. Анови қўшиқ бор-у, нимайди? Ха, эсимга тушди: Аргумок остингдадур, Тоғларни кез, чўлларни кез, Ногаҳон бул аргумок Остинда бўлғай, бўлмағай...

Топиб айтган шoir. Биз ҳам тоза юрт кўздик. Бу ёни Астрахан қолмади, Догистон қолмади, бу ёни Туркману Бухоро, Хўжанду Қўқон... Ангрэн - Тошкент поезди иккинчи ўйимиз эди. Етар жойимиз тобмоши. Татар, ўрис, арман оғайниларим бор. Ёшмиқ, юган урилмаган асов отдай бебошимиз. Ша-

аммо тўғрисиқ. У киши бекорга бир-ровнинг кўнглини оғритмайди, лекин биромлиқни, алдамчиликни, муттаҳамликни қўрса, чидаб туролмайди, ёшми, қарими, амалдорми, барибир, айбини бетига шартта айтади-қўяди. Шунинг учун Карим зинда деса баъзи бирорларнинг елкаси тиришадими, уни орқасидан маъломот қилади. Отанинг эса парвойи палак.

Отани тагин сўхбатта тортаман. - Боя ётар жойимиз тобмоши дедингиз. Поезднинг томидан кўра ич-қари дуруст эмасми?

Томда гир-гир шабада бор-да, - жимямади отахон, кейин ростига қўчади, - ичкарига тўсангиз пул тўлаш керак. Бизда эса бир мири йўқ, қисса-мизда шамол ўйнайди. Уруш энди бо-силган, одамлар ичкарига қўзилиб юриб-ди. Отам йўқ, ёлғиз онами боқушим керак. Сабаби тирикчилик, сув борамиз Тошкандан, зув келамиз Ангрэнга.

Кейин-чи? - Кейин онажонимдан ҳам айрил-дим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Сўзларимизда ҳам айрилдим, ҳов авани отдай бўлиб яқса ўзим қолдим. Энди ишлаш керак эди. Бир

Банкрот-корхона ОТАЖ "А. Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи"нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни тугатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган олиш учун Тошкент шаҳридаги 1-сонли Яққасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М. Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ "Халқбанк"нинг Яққасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш. Абдуллаев кўчаси, 2-а уй) очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилади.

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 14 ноябрь кuni Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёғмир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 11-13 даража илқ бўлади.

СКАНВОРД. Grid with clues and answers in Uzbek. Clues include: Жўрт-тага, Ганди, Мохир уста (араб.), Илм-...

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади. Optima, Carens, Sportage, Cerato.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ! Тошкент шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 1-А уйда жойлашган, нархлари ошиб бориш тартибидан, 2007 йилнинг 18 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига таклиф этади.

Олмалик тиббиёт билим юрти томонидан 1996 йилда Мухаммад-нонова Шохидан Назирхоннова номига берилган 156679 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.